16.45 "Телехамкор"
17.00 Док. фильм
17.30 "Музыкальный табассум"
18.00 "Болалар соати"
18.30 "Мухаббат тароналари"
18.45 "Истиклол ТВ"
19.00 "Ошиқона"
19.40 "Телехамкор"
20.00 "Музыкальный табассум"
21.00 "София, менга имкон бер", сериал
21.45 "Музыкальный табассум"
22.15 "Таракхёт ТВ"

Жума 15

12.05 "Телехамкор"
12.25 "Путешествие в землю туманов", мультфильм
13.40 "Музыкальный табассум"
14.00 Худ. фильм "Алые паруса"
15.30 "Ошиқона"
16.10 "Детский час"
16.45 "Телехамкор"
17.00 Док. фильм
17.30 "Музыкальный табассум"
18.00 "Болалар соати"
18.20 "Музыкальный йулка"
18.30 "Марказ ТВ" тақдим этади
19.00 "Ошиқона"
19.40 "Телеэкспромт"
20.00 "Музыкальный табассум"
21.00 "София, менга имкон бер", сериал
21.45 "Музыкальный табассум"
22.15 "Шахрисабз ТВ"
22.25 "Аёл зоти", сериал

Шанба 16

09.05 "Телехамкор"
09.20 "Детский час"
10.40 "Возвращение блудного попугая", мультфильм
12.20 "Ошиқона"

13.00 "Блондинка в законе", комедия
14.30 "Болалар соати"
15.30 "Музыкальный табассум"
16.00 Док. фильм
16.45 "Телехамкор"
17.00 "Шоу-бизнес янгиликлари"
17.30 "Музыкальный табассум"
18.00 "Болалар соати", Бегубор оханг
18.20 "Эстрада калейдоскопи"
19.00 "Ошиқона"
19.40 "Телехамкор"
20.00 "Хит-парад плюс"
21.00 "Халк минбари", ток-шоу
21.20 "Лола Ахмедова куйлайди"
21.40 Док. фильм
22.10 Хинд бадийи фильми "Уйлабий босилган кадам"

Якшанба 17

09.05 "Телехамкор"
09.20 Док. фильм



TV-MARKAZ

Душанба 11

12.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
13.20 Мировые хиты
14.00 "Великолепная семёрка"
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.30 Мировые хиты
17.00 "Судьбы"
17.30 Узбек наволари
18.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
19.20 Сериал "В РИТМЕ ТАНГО" 9-серия
20.20 Узбек наволари
21.00 "Миссия неповторима"
21.30 Мировые хиты
22.00 Комедия по понедельникам. Худ. фильм "АФЕРИСТЫ ДИК И ДЖЕЙН"
23.40 Миксер

Сешанба 12

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Мировые хиты
14.00 "Юлдузлай пайшанба"
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.30 ТОП-20
17.15 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Мировые хиты
18.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
18.50 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал "В РИТМЕ ТАНГО" 10-серия
20.15 Узбек наволари
21.00 Спецрепортаж
21.20 Мировые хиты
22.00 Худ. фильм "ТРАФИК"
00.40 Миксер

Чоршанба 13

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.00 "Миссия неповторима"
16.30 Узбек наволари
17.00 "Очил дастурхон"
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал "В РИТМЕ ТАНГО" 11-серия
20.15 Мировые хиты
20.30 "Великолепная семёрка"
21.00 Узбек наволари
22.00 Киноколлекция. Худ. фильм "24 ЧАСА ИЗ ЖИЗНИ ЖЕНЩИНЫ"
23.00 Миксер

Пайшанба 14

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус.)

Жума 15

13.15 Мировые хиты
14.00 Спецрепортаж
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 Узбек наволари
16.30 "Великолепная семёрка"
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал "В РИТМЕ ТАНГО" 12-серия
20.15 Узбек наволари
21.00 "Юлдузлай пайшанба"
21.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
21.50 Узбек наволари
22.00 Наше кино. Худ. фильм "АЛВИДО"
23.40 Миксер

Шанба 16

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 "Очил дастурхон"
17.00 Узбек наволари
17.30 "Юлдузлай пайшанба"
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.20 Индийское кино. Худ. фильм "ДЕСТИМ-НИНГ ТЕЙИ" 1-серия
21.00 Узбек наволари

Якшанба 17

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (рус.)
17.20 "Очил дастурхон"
17.50 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино. Худ. фильм "ДЕСТИМ-НИНГ ТЕЙИ" 2-серия
20.40 Мировые хиты
21.00 "ТОП-20"
21.45 Узбек наволари
22.00 Кино-SMS:
1. Худ. фильм "ФАКУЛЬТЕТ"
2. Худ. фильм "ЧЕРНАЯ ТЬМА"
3. Худ. фильм "ТУМАН"
00.40 ПРЕМЬЕРА! (рус.)

Довуа МАҲДИЙ

Кум бағрида жойлашган Олчазор туманига яқинлашсангиз, чап томонда осмонга тутун пуркаётган миноралар кўзга ташланади ва зумда бурнингизга қўланса ҳид урилади. Бу — бойлик бўйи. Уйлари пахсадан бўлган кўримсизгина қишлоқдан сал ўтсангиз ОЯНКЗ, яъни оламда ягона ноёб кимё заводи бошланади. Йўл бўйлаб гоҳ қадим, гоҳ янги ҳикмат битилган лавҳаларни ўқиб, шаҳарга келиб қолганингизни сезмайсиз.

Шаҳарга кириб, марказий йўлдан анча юриб, чапга бурилсангиз, аввал темир дарвозали милиция идораси, сўнг пешонасида изма-кейин икки кесишган қилич ва қалқон тасвири туширилган прокуратура биноси савлат тўкиб турибди.

Ўғрилиқ ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатган милиция терговчиси жиноятни ҳисобга қўйиш карточкасига қўл қўйдириш учун прокурорнинг олди-га кирди. Туман прокурори қорачадан келган, барваста мўйловдор йигит, Шерзод Раҳмонов одатда бир-икки ҳазил қилиб, имзо чекиб бераверарди. Бу гал негадир чуқур суриштирди.

— Нима бўлган?

— Ўғрилиқ, 60 та эчки ўғирлаб кетилган.

— Чўпон қаёқда?

— Чўпон йўқ. Ҳойнаҳой, чўпоннинг ўзи олиб қочиб кетган-ов.

— Чўпон ким?

— Қайдандир келиб қолган чол экан. Ўғай ўғли Сарсонсойда яшаркан.

— Яна кими бор?

— Бошқа ҳеч кими йўқ.

— Не может быть.

— Шундай.

— Скорее всего, ўлдириб кетишган.

— Ўлдиришмаган, бошлиқ. Бориб кўрдик, қон-пон изи йўқ.

— Эчкилар кимга тегишли.

— «Жўра ота» фермер хўжалигига.

— Чўпоннинг шахсини тўлиқ аниқланг.

— Хўп бўлади.

Шерзод вилоят прокурори ўринбосари билан телефонда маслаҳатлашди. У аниқ-тиник фикр берди.

— Ҳозирча карточкасига қўл қўйиб беравераман. Лекин хаёлимда қотиллик содир бўлгандай.

— Майли, ота, - деди водийлик зукко ўринбосар.

Терговчига ўғирилди.

— Ўғрилиқ жинояти бўйича тергов қилаверинг. Ҳар бир тергов ҳаракати юзасидан ахборот бериб туринг.

— ЕСТЬ.

— Ўзбекчани ҳам ўрганинг, — киноя қилди.

— ЕСТЬ, ўртоқ бошлиқ.

«Букрини гўр тузатармиш. Ўзим ҳам ажнабий сўзларни ишлатиб юбораман. Қон-қонимизга сингиб кетган экан. Мустақиллик бўлмаса, билмадим...»

Ҳозир ҳам ўзбек тилини мактабларда мукамал ўргатишмайди, болалар инглизча чулдираяпти, аммо Навоийни хануз тушунишмайди... Мумтоз кўшиқларни маза қилиб тинглаймиз, аммо маъносини тушунамаймиз. Афсус...

Дарвоқе, қотиллик бўлса-чи. Вақтни бой берсак, очилмай қолади-да.

Юрагига хавотир қуюқ тумандай бостириб келаверарди. Тун бўйи уйда уйқуси келмади. «Била туриб, қотиллик жиноятини яшираёписизми?» - кўзига вилоят прокурорининг

важохатли қиёфаси кўринди. «Кўзгатаман, «қасддан одам ўлдириш» бўйича иш кўзгатаман!»

Эрталаб туман прокуратурасига милиция терговчисини чақиртирди.

— Шавқи, нима қилдингиз?

— Ишляпмиз.

— Шу убийство бўлиб чиқади-ёв. Юрагим негадир хит.

— Йўқ, ака мен юз фоиз ишонаман. Бу ерда фақат ўғрилиқ. Ҳали у ўғри чўпонди ушлаймиз.

— Ушлайсиз, ушлайсиз...

Телефонда ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосарига дашном берди.

— Ўзи нима иш қилаёписизлар? Мол йўқ, чўпон йўқ, бамайлихотир юрибсизлар. Ўғри-

— ўйланиб қолди прокурор. — Йўқолган моллар сизникими?

— Ҳа.

— Нега бу ҳақда гапирмайсиз?

— Милисага ариза берганман.

— Эртага келинг қани, гап-лашамиз.

«Нега моллари йўқолганлигини айтмаяпти? Кимдан чўчи-япти? Ё чўпонни ўзи даф қилдимикан?»

Нозир кўринди.

— Бир кампир прокурорга кираман, деяпти.

— Нима иши бор экан?

— Ўзига айтаман, дейди.

— Кирсин.

Таёққа суянган, сариқ юзли, серажин бир кампир кўринди.

Текин даромад топиш мумкин бўлмай қолгач, кўчиб кетаётган-

Елгон ва адолатсизлик — жамият душманлари фойдасигагина-дир. Ҳақиқат — барча ақлли одамларнинг дўсти. Ҳақиқат — бахт-саодатнинг онаси.

Поль Гольбах

Ҳаётнинг муқаддаслиги фақат эзгу ишларда.

Сковорода Григорий Саввич

Тўхтагин, лаҳза! Сен ажойибсан!

Гёте

— Нима муносабат билан?

— Ман қайдан билай? Бир нима деб бер-да. Бўлмаса мияни ейди, бу момо. Фарзандлари бор, бирортаси онасига қарамайди. Барибир, бизнинг ўзбек халқи бошқача-да. Ўз онасини бундай аҳволда ташлаб қўймайди.

«Прямой» овоз берди. Алоқачи қиз:

— Сизни ҳоким сўраяптилар.

бўлиб юривди. Кўп нарсалар ваъда қилди, кўнмадим, кўрқитди бўй эгмадим. Мана оқибати, ерим яхши, дарёнинг бўйида. Пахта, ғалла плонини ҳар йили ошириб бажараман, молларимни йўқолишида ўшани қўли бор деб ўйлайман. Катта раҳбар бўлса, унга нима етишмайди?

— А, балли, отайизга раҳмат, манам шунга ҳайронман. Сиз бораверинг, текшириб кўрамиз.

У қўлини кўксига қўйиб, эшиккача орқаси билан бориб, бурилиб чиқиб кетди.

«Эҳ, одамларнинг кўзи қачон тўяркан? «Қўлим узун пайтида ер, техника оливолсам, мансабдан кетсам ҳам бир кунимга ярайди, ё юқориқоқ мансабга эришишимга асқотиб қолади», деб ўйлайдими. Бундай одамлар ҳамма нарсани пул билан ўлчайди».

Дабдурустан уни текширишни бошласак ноқулай. Неча йил раҳбарлик лавозимларида ишлаган, қаттиқ ботади. Бундайлар жиноят қилса, фош этиш мушкул. Аммо нима қилиш керак? У қилганми, бошқами, барибир қотиллик бўлган... 97 билан жиноят иши қўзғатиш керак, акс ҳолда кечикамиз. Кечикамиз... Кечикамиз... Уф...».

Яқшанба куни соат ўнларда ишга келди. Хонасига кирди. Деразининг қошига бориб, сутранг пластик тахтачалардан иборат пардани ипидан тортиб йигди. Хонага нур таралди. Стол устидаги ипак матодан бўлган мўъжазгина Ўзбекистон байроғи товланиб кетди.

Жойига ўтирди. Икки қўлини бошининг орқасига чалиштириб керишди, узоқ эснади. Ўнг қўл кафти билан оғзига «поп-поп» урди.

— Нима гап? — деди кирган нозирга.

— Оперзам кирмоқчи.

— Сўраб ўтирадимми, кирверсин-да.

— Салом, мумкинми?

— Кирдингиз-ку... Янгилик борми?

— Омин, тинчлик-эсонлик бўлсин.

Қовоғи солиқ прокурор унга савол назари билан қаради.

— Сизди айтганингиз тўғри келаяпти.

— Қайси айтганим?

— Убийство бўлиб чиқопти.

— Йўғ-е, қотил ким экан?

— Ўша ўғрилиққа гумон қилиб ушланганлардан бири.

— Қаерлик улар?

— Сарсонсойликлар, бири шайтонгузардан, бири парихонаданми, ҳардурими, гўрми?

— Нима дейишаяпти?

— Бир-бирига «показание» бераяпти. Чўпонни ўлдириб, эчкиларни олиб кетганмиз, дейишаяпти.

— Ўликни нима қилишибди?

— Дарёга ташлаб юборишган.

Прокурор нозирни чақирди:

— Терговчи келганми? Топ! Воқеа жойига чиқамиз. Қани, бўлинглар, кетдик!

(Давоми бор)



Қисса

Жиноят

Фрош этилади

ликни бир бало қилармиз, қотиллик учун прокуратура ўзи жавоб бераверсин демокчисизлар-да. Бир кун мuddат, барча чораларни кўринг. Билмайман, манга натижа керак. Бўлмаса, ўзингизга чора кўрилади. Қўрқитаётганим йўқ.

«Жигули» машинасини узоққа қўйиб, чарм курткали киши прокуратура эшигидан кириб келди. Кўлида узундан узоқ шикоят хати. Фермер хўжаликларидаги суиистеъ-молликлар тўғрисида.

Нозир «эчкилари йўқолган одам ҳам шу» деб секингина шипшитди.

— Хўжалигингизнинг номи нима?

— «Жўра ота» фермер хўжалиги.

— Қаерда жойлашган?

— «Тўймас ота» фермер хўжалигининг ёнида.

— Ҳаммаси оталар экан-да.

— Ҳа.

— Тўймас ота дегани Маратнинг отасими?

— Ҳа.

— Ҳе, ўша ўғай қизини зўрлагани учун қамалиб кетган имонсиз-а?

— Ҳа.

— Сизди отайиз қамалмаганми ишқилиб?

— Йўғ-е, Худо сақласин!

— Жиноятчининг отини ҳам хўжалиқнинг номига қўйса бўлавераркан-да. Тўғри, фарзандлари учун азиздир, аммо жамият учун турган-битгани зиён-ку. Ғалла-палласи қандай ўшанинг?

— Эплаяпти. Менинг бир тономимда Тўра Бўриевичнинг ери бор.

— У кишини ҳамма билади.

лардан бўлса керак. Нимадан шикоят қилмоқчи? Ҳарқалай, мол ўғриси, ё қотиллик тўғрисида гапирмайди.

— Мома, тезроқ гапиринг. Нима гап?

— Балам, балаларим уйини сотиб Бокуга кетишган. Олган киши уйнинг қолган пулини бермаяпти.

— Ким у?

— Ризокул дейдимми, фермер.

Прокурор стол остидаги тугмачани босди. Нозир кирди.

— Ризоқули қайси? Ўша эчкилари йўқолганми?

— Ҳа.

— Чақиртир, эртага обизателна келсин.

— Хўп.

— Момо, Сиз бораверинг, ўзи олиб бориб беради.

— Раҳмат, балам. Умринг узоқ бўлсин. Кампир дуо қила-қила кетди.

Шу пайт чап тарафдаги телефонлардан бири кўк «кўз»ларини «пирпиратиб» жиринглади. Прокурор гўшакни кўтарди. Кекса аёлнинг хаста овози эшитилди:

— Ўғлим, бизди «забыт» этдигиз, ёрдам бермадиз.

— Йўқлаймиз, Роза момо.

— Давлат «подарка»сини сизга ишониб бериб қўйгандан кейин шунини адолатли тақсимланг-да.

— Хўп, Роза момо, йигитлар олиб борган бўлса, Сизни тополмагандир-да. Назоратга оламан.

Нозирни чақирди.

— Носир, ма, бу пулни ол! Роза момога гўшт, ёғ, конфет-понфет, бошқа майда-чуйда олиб, сизга совға, деб топшир.

— Уланг.

— Фазлиддин ака, яхшимисиз? Яхши, тушундим... Яхши... Ширкат хўжаликлари-рингизни бир йил иккитасини, кейинги йил учтасини, яна тўрттасини фермер хўжаликларига айлантириш бўлмаган иш-да. Юқори? Юқори ҳам бир гап бўлар. Бир нарсани тушунинг, ширкат хўжалиги раҳбари барибир келаси йили фермер хўжалигига айлантиришади, деб ишламайди. Хўжалиқнинг бор мулкни арзон-гаровга сотиб юборади, қариндошларига тақсимлайди, қисқаси, ўзлаштириб юборади-да. Ҳаммасини фермер хўжалигига бирданига айлантириш керак. Майли, гап-сўз бўлар, чидаш керак, оқибати яхши бўлади. Эй, Сиз билан мени бахтимизга раҳбарларимиз ўзимиздан, тушунадиган одамлар. Қамчини босинг.

Кейинги куни ҳаво совуқ бўлганиданми, идоранинг сусти босибми қора чопон кийган Ризоқул прокурорнинг олди-га қўнишиб кирди.

— Ҳа, нима гап? Бировларнинг уйини сотиб оласиз, пулини бермайсиз. Молингиз йўқолган, бир нима йўқотганга ўхшамайсиз?

— Тўғриси айтмайми?

— Елгон айтсайиз ҳам ўзиз биласиз.

— Кечирасиз, прокурор бобо. Пул арзимас нарса, бугун олиб бориб бераман. Аммо молларимни...

— Гумонингиз борми?

— Тўра Бўриевич шу ерда ишлаганда менинг еримни ўзиникига қўшиб олмоқчи



Фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишининг асоси сифатида фаолият кўрсатишлари лозим. Чунки иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ

кўрсатилади:

— шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори, сифати, нархи(турлари бўйича);

— шартноманинг умумий суммаси;

— томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари.

Шу ўринда фермернинг ҳуқуқлари нимадан иборат эканлигини тушунтириш жоиз.

ФЕРМЕР ТАЙЁРЛОВЧИДАН:

— шартномада назарда тутилган ҳолларда уруғлик ва экиш ма-

қилишга ҳақли.

Тайёрловчи ўз ҳуқуқини яхши билади, аммо унинг мажбуриятини эслатиб қўйиш ўридли.

ТАЙЁРЛОВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

— ҳўжаликка аванс маблағларини мазкур шартномада белгиланган муддатлар ва ҳажмларда тўлаш;

— амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ харид қилинадиган маҳсулот оғирлиги ва сифатини аниқлаш;

— ҳўжалик томонидан етказиб бериладиган маҳсулотни мазкур шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатларда харид қилиш.

лар, қридалар) билан таъминлаш; — белгиланган муддатдан кечикмай ёки ушбу давр мобайнида ҳўжаликнинг буюртманомасида кўрсатилган муддатларда ва ҳажмда унга ушбу материалларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камидан беш кун олдин бериладиган нав ва миқдорда уруғлик ҳамда бошқа экиш материаллари билан ҳўжаликни таъминлашдан иборат.

Ҳўжалик олдин берилган буюртманомани бекор қилишга ёҳуд уруғлик ва экиш материаллари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда тайёрловчига буюртманомани кўрсатилган санадан камидан бир кун ол-

Фермер — мағрур жаранглайди

Яқинда Эллиққалъа туманидан Б. Дўстқоновдан ва Қоракўл туманидан М. Каримовдан таҳририятга хат келди. Уларнинг мазмун-моҳияти бир хил — фермер ҳўжалигини ташкил этиш, бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳусусида.

Сир эмас, айрим кишиларимиз онгида эски бюрократик тизим одалари шу қадар сингиб кетганки, янги муносабатларни англаш қийин кечаяпти. Оқибатда деҳқонларимиз емаган сомсага пул тўлашмоқда.

Бу борада кўплаб қонунлар яратилган, улар китобча ҳолида чоп этилган бўлишига қарамай, янги гоя, қридалар кенг оммага тўлиқ етиб бормаяпти. Шунинг учун газетамизда иложи борича деҳқонларимизга бу борадаги қонунларимизни содда ва жайдари тилда тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Инсон етуқлик ёшига етиб, ўзгалар билан муомалага киришадди, олди-берди қилади. Муносабат адолатли бўлмоғи учун у ҳуқуқий ҳужжатларга таянади. Биз бугун шулардан бири — шартномавий муносабатлар ҳусусида муҳтасар фикр юритамиз.

Маълумки, фермер етиштирган маҳсулотни оладиган ёки кимё, техник хизмат кўрсатадиган ёҳуд даласида ишлайдиган кишилар билан муносабатни шартнома асосида куради.

Фуқаролик кодексининг 353-моддасида шартнома тушунчаси берилган. У жуда оддий, яъни шартнома икки ёки ундан кўп шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги келишув.

Кўп кўрганман, деҳқон фермер бўлдим, деб ерга ёпишиб олади, давлат уни бермайди, буни бермайди дея нолийди. Аммо шартнома тузганмисиз десангиз, жим қолади. Тузган деган чоғида ҳам ўзи нимага қўл қўйганлигини билмайди. Биз фақат ишлашни биламиз деб мақтаниб ҳам қўяди. Баракалла, дейман. Кинояни тушунмайди. Ахир ҳозирги кунда фақат ишлашни билишнинг ўзи камлик қилади. Ҳақ-ҳуқуқни талаб қилишни ҳам билиш керак. Ҳақни талаб қилиш хат ёзиб, нухасини бир неча нуфузли идораларга жўнатиш эмас. Ҳамма нарсанинг ўз қридаси бор, яъни қонун билан идора қилинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида яхши мутахассис зарур ҳуқуқий билимга эга бўлган тақдирда нонини топиб ея олади. Бўлмаса, оғзидагини олдиради.

Энди шартнома муносабатини теранроқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Муҳтарам деҳқон, шартнома шартларини ўзингизнинг бизнес режангиздан келиб чиқиб, ўзингиз белгилайсиз. Режа тузишдан мақсадангиз битта, у ҳам бўлса, кам харажат қилиб, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариб, кўпроқ даромад олиш.

Яхши биласиз, қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти сотиш бўйича тузиладиган шартнома контрактация шартномаси дейилади. Шунга биноан фермер маҳсулотларни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи шахсга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини келишилган муддатларда етказиб бериш мажбуриятини, тайёрловчи эса муайян нарх бўйича келишилган муддатларда ҳақ тўлаб, ушбу маҳсулотларни сотиб олиш мажбуриятини олади.

Шуни эсда тутиш керакки, шартнома тузишда томонлар ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 384-сон қарори билан тасдиқланган Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилдилар.

Ушбу Низомга мувофиқ контрактация шартномалари, шунингдек, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календар йил бошланишидан кечиктирмай тузилади. Шартномада қуйидагилар

териаллари билан таъминлашни; — маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда ҳозир бўлиш ва ўзига тегишли ҳақ тўла-нишини; — маҳсулот етиштириш учун

— маҳсулотнинг ҳақини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича келишилган вақтда тўлаш; — шартномада назарда тутилган ҳолларда ҳўжалик тасарруфида қоладиган маҳсулотни давлат

дин маълум қилади.

Шунингдек, шартномада низо-ларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг ре-визитлари, шартнома тузилган сана ва жой акс этади.

Сиз "форс-мажор" ҳолати нима эканлигини тушунмадингиз. Форс-мажор деб, мажбурият олинган пайтда енгиб бўлмас куч таъсири-да фавқулодда ва бартараф этиб бўлмас ҳолат юзага келиши нати-жасида мажбуриятдан озод қилиш-га айтилади. Бундай ҳолат шарт-номани бажармаганлиги учун мулк-кий жавобгарликдан озод қилади.

Давлат эҳтиёжлари учун қиш-лоқ ҳўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган кон-трактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинади-ган ҳамда ҳўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилди.

ЭСДА ТУТИНГ, ФЕРМЕРЛАР

— иш жараёнида барча шари-кларни эркин танлаш ва улар бил-ан ўзаро муносабатларни муста-қил ўрнатиш;

— фермер ҳўжалиги юритиш учун ер участкаларини амалдаги қонунларга биноан 50 йилгача, аммо 30 йилдан кам бўлмаган му-датга тўлиқ ижарага олиш;

— барча ишлаб чиқариш воси-талари — турар-жой, техника, чорва моллари каби қишлоқ ҳўжалиги ҳамда бошқа фаолият учун зарур бўлган воситаларга тўлиқ эгаллик қилиш;

— маҳсулот ишлаб чиқариш тар-кибини мустақил белгилаш ва маҳ-сулотни сотиш ҳамда олинадиган даромаддан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Биз бу гал фермерлар фаоли-тига асқатадиган айрим ҳуқуқий муносабатлар ҳақида тўхтагдик, холос.

Ниятимиз мамлакатимиздаги фермерлар фаолиятини ўрганиб, амалдаги қонунлар доирасида уларга баҳоли-қудрат ҳуқуқий кўмак беришдир.

Довуд МАДИЕВ,
ҳуқуқшунос

«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар му-хофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимояси-дадир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Фермер ҳўжалигининг ер участкасига эгаллик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер ҳўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгилан-ган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек, олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер ҳўжа-лиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Фермер ҳўжалигига берилган ер участкаси фермер ҳўжалиги қайта ташкил этилган тақдирда, агар ер участкасининг бўлиниши натижаси-да янги ташкил топган ер участкаларининг ўлчами ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса, бўли-ниши мумкин.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер ҳўжалиги бош-лигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер ҳўжалиги бошлиги вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шарт-номасини амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасини амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер ҳўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. Фермер ҳўжалигининг бошлиги ва-фот этган тақдирда, ижарага олиш шартномаси янги муддатга узайти-риш ҳуқуқига унинг меросхўри эга бўлади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувига эришмаган тақдирда эса, суд томо-нидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер ҳўжалиги тугатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилини-ши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси.

мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва суммада аванс тўланишини;

— шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стан-дартларига ва бошқа норматив ҳў-жатлар билан таъминлашни;

— маҳсулот ҳўжалик ҳисобидан транспортда ташилганда транспорт харажатларини қўллашни;

— шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қўлланилини талаб

техник шартлар талабларига му-вофиқ сақлаш ва унинг ҳолати тўғрисида ҳўжа-ликка мунтазам равишда маълум қилиш;

— ҳўжалик та-сарруфида қола-диган маҳсулот-нинг сифати ёмонлашиши оқибатида ҳўжа-ликка етказилган зарарни қўллаш;

— шартнома-га мувофиқ маҳ-сулотнинг таши-лишини, томон-лар келишган жадвалда назар-да тутилган му-датларда тайёр-ловчи жойлаш-ган жой бўйича ёки у томонидан кўрсатилган бошқа жойда қабул қилиб оли-нишини таъмин-лаш;

— маҳсулотни сақлашда, тайёр-лашда, транспор-тда ташишда,

унга бирламчи ишлов беришда унинг камомадини олдини олиш;

— амалдаги стандартларга му-вофиқ маҳсулотни қайта ишлаш, сотувга тайёрлаш ва уни сотишга тегишли ҳўжатларни расмийлаш-тириш;

— шартномага мувофиқ ҳўжа-ликни иддиш, ўраб-жойлаш мате-риаллари ва норматив техник ҳў-жатлар (маҳсулотнинг айрим тур-ларини харид қилиш, қабул қилиш, сифатини баҳорлашни тартибга со-лувчи стандартлар, техник шарт-

Довуд МАДИЕВ,
ҳуқуқшунос

Ўлкамиз сиҳатгоҳлари

Европадаги бундай горлар ҳақида мен анча йиллар илгари «Фан ва турмуш» журналида ўқиган эдим. Кейинчалик Сурхондарё вилоятида ҳам шундай турдаги тиббий муолажа маскани борлиги ҳақида газета мақола-сига кўзим тушган. Тақдир тақозоси билан Шеробод туманининг кўшни Туркманистон билан чегарадош Кўхи-коф тоғларига туташиб шу жойга бориш насиб этди.

У ерда даволовчи горлар асосида фаолият кўрсатувчи сиҳатгоҳ бош шифокори Халил ака Раҳмонов билан учрашдим.



ДАВОЛОВЧИ ГОРЛАР

Халил аканинг ёши олтишдан ошган бўлса-да, кўринишига қараб 55 ёшдан ортигини бергингиз келмайди. Йигитлардек тетик. Туман марказидан 60-70 чақирим олисдаги даволовчи горлари, шу асосда фаолият кўрсатувчи сиҳатгоҳни бориб кўрадиган бўлди ва эртасига тонг сахар йўлга чиқди. Машинамиз гуриллаганча юқориламоқда. Бизга тобора яқинлашиб келаётган тоғларга кўз ташлайман-у, бундан қирқ йил олдинги Югославия сафаримизни эсламан. Ушанда «Тоғлар мамлакатада ўн олти кун» сарлавҳаси остида очерклар эълон қилган эдим. Энди ўйлаб қарасам, Ўзбекистонимиз ҳам тоғларга сероблиги жиҳатидан Югославиядан қолишмас экан.

Машинамиз куч билан олдинга интилади. Йўлимизнинг тенг ярми Шеробод чўлларига тўғри келган бўлса, тоғ ва адирликдан сўнг яна яйдок чўл бўйлаб

йўлда давом этдик. Ниҳоят олисдан қафтдек жойда бир тўп дарахт кўринди.

— Сиҳатгоҳимиз ана шу ерда ўрнашган, — дейди рул бошқариб келаётган Халил ака.

— Ҳар куни шунча йўл босиб ишга қатнайсизми? — беихтиёр сўрадим.

— Ўрганиб кетганман, — кулади Халил ака. — Мавсум авжига чиққан ёз ойларида ётоғим ҳам ишхонага кўчади.

Чиндан ҳам сиҳатгоҳ сахро кўйнидаги садарайхон тўпига ўхшайди. Икки-уч гектарлик майдонга куюк дарахтлар соя солмоқда. Икки жойдан кавланган кудукдан чиқаётган кумушимон сув ариқчалар бўйлаб жилдирайди. Бу ерда манзарали дарахтлар билан бир қаторда мевали дарахтлар ҳам кўкка бўй чўзган. Қафтдек бўш жой йўқ. Ҳар қаричида турли хил гул кўчатлари, сабзавотлар, йўлакларнинг ҳар икки томонида ўриндиклар. 50

ўринли ошхона, унинг ёнгинасида чойхона. Шу ерда биз Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидан келган Мамажон ота Тошматов билан суҳбатлашдик.

— Анчадан бери нафасим қисиб азобланаман, — дейди отахон. — Борманган сиҳатгоҳим, ётманган шифохонам қолмади. Шерободда шундай сиҳатгоҳ борлигини эшитиб келдим. Адашман эканман. Шу ерда жоним ором олди. Ўн беш йигирма кун муолажа олиб кетган, 5 ой тузук юрман. Яна қайтиб шу ерга келаман. Ҳозир олдинги йилларга қараганда тузукман.

Кўконлик Ризвон-онанинг айтишича, ушбу сиҳатгоҳга келгандан кейин қайтадан тузилгандек, жони ором олиб, еган овқатининг таъминини сезгандек бўлибди. Нафасинг қисиб турган, дунё кўзингга қоронғу кўринаркан, қаерда юришингни, қаерда туришингни билмай қолар экансан. «Туз бувам» горлар ҳавоси

минг тиллога тенг, дейди онахон.

Уч чақиримча нарида жойлашган «Хўжаикон» туз тоғи сиҳатгоҳ учун асосий муолажа воситаси саналади. «Хўжаикон»нинг орқа тарафида ишлаб чиқариш, яъни ош тузи ажратиб олиш ишлари қизгин давом этаётган бўлса, олдинги, бир маҳаллар тузи қазиб олиниб горларга айланган қисмида муола-

Мунажжим башорати

(11-17 сентябрча)

КҮЙ. Душанба куни барча юмушингиз қийинчиликлар билан ечилади. Кечки вақт уйингизга қутилмаган меҳмон келиши мумкин. Чоршанба сиз учун омадли кундир. Дам олиш куни ҳеч қандай ишга қўл урманг.

БУЗОҚ. Ҳафта аввалида катталар билан муносабатингиз яхшиланади. Бироқ сир бой берманг. Чоршанба, шанба кунлари шартнома тузиш фойдали бўлади. Яқинбада хушxabар эшитасиз.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта мобайнида оила ва ишдагилар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг. Барча юмушлардан асабларингиз таранг аҳволда. Соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Ҳафтанинг охирида можаролардан йироқда юринг. Илоҳи борича атрофдагилардан ёрдамнингизни аяманг.

ҚИСҚИЧАҚА. Душанбада меросга дахлдор ишларга аралашманг. Акс ҳолда яқинларингиз сиздан ранжиб қолишлари мумкин. Чоршанба, яқинбада кунлари шартнома ва учрашувларни режалаштирсангиз фойдали бўлади.

АРСЛОН. Ҳафта бошида нохуш хабардан қайфиятингиз тушкун ҳолатда бўлади. Дўстлар маслаҳатига қулоқ солинг. Чоршанба куни ижодий фаолиятингизда янгиликлар рўй беради. Ҳафта охирида оилангиз билан маданий хордиқ чиқаринг.

ПАЗИЗОД. Ушбу ҳафта ҳар қандай ишга қўл урсангиз омад қулиб боқади. Қарздорлар қарзини беради. Чоршанбада янги лойиҳа билан банд бўласиз. Дам олиш кунлари оилангиз билан табиат кўйнида хордиқ чиқаринг.

ТАРОЗИ. Душанбада қутилмаган учрашувдан шодланасиз. Ютуқлар эвазига катталардан рағбат талаб қилишингиз ҳам мумкин. Улар меҳнатингизни қадрлайди. Пайшанбада омад кутманг.

ЧАЁН. Ҳафта давомида ишингизда ўзгаришлар юз бериши қутилмоқда. Сиқилманг. Маҳоратингизга таянинг. Чоршанба ва жума кунлари хушxabар эшитасиз.

ЎҚОТАР. Ушбу ҳафта эринчқлигингиз оқибатида жамоангиздан дашном эшитасиз. Дам олиш кунлари жиддий ишларни қолдиринг. Уй юмушлари билан банд бўлиб, барча камчиликларни тўлдириг.


ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанба куни меҳмондорчиликка қақириласиз, лекин жуфтингиз билан борманг. Акс ҳолда можароларга ёрингиз сабабчи бўлиб қолади. Чоршанба куни оилавий муаммолар билан овора бўласиз. Дам олиш куни келгуси ютуқлар гарови учун билимингизни чархланг.

ҚОВҒА. Ҳафтанинг биринчи ярмида эътиборсизлигингиз оқибатида саломатингизга путур етади. Ҳамма нарсани бир фурсат унутиб, оилангиз билан маданий хордиқ чиқаринг. Ҳафтанинг охири кунлари яқинларингиз қутилмаганда фойдали иш тақлиф этишади. Уни қабул қилинг.

БАЛИК. Ушбу бурж остида тўғилганлар учун янги ҳафта воқеаларга бой бўлади. Қутилмаганда чиким қиласиз. Анчадан бери кўришмаган ҳамкорингиз билан учрашасиз. Душанба, пайшанба сиз учун омадли кун ҳисобланади.

Япония авто маркаси	“Тўли” ли шайхон	Туман (Фарғона)	Хоразм рақси	Италия дарёси	Об-ҳаво шми
Француз футбол чиси	Ки-фоя	Кичик гуруҳ	Либос қисми	Валюта	Номус
Авто марка	Улугга муружаат	Нарса қава-ти	Эльба ирмоғи	Зот, насл	Вилоят
Оёқ қисми	Жомий дос-тони	Ахборот тури	Зийёд	Котиб (китобий)	Панжирмоғи
Кимб-вий элемент	Хабар етказувчи	Сув йўли	Пайгамбар	Ионлаш манбаи	Матоаш-си
Қасам	Таниқли штанга-чиси, рекордлар муаллифи	Америкадаги дарё	Йил ҳисоби	Улжа	Нота
Ёруғлик	Алишер НАВОЙИ ҳикмати:	Бировким анга ҳиммат ўлди баланд, Эрур одам аҳли аро аржуманд.	Бельгия олимпиа	То-мон	Кухна араб маданияти
Хул мева	Дедалнинг угли	Шифо модда	Эндирувчи ашё	Француз ким дзари	Ибо
Туркия шаҳри	Хунд адаби	Нидерландия шаҳри	Тошкент вилояти тумани	Денгиз буғи шаҳри	Африка давлати
Чил...	Буй...	Оёқ	Моддий ёрдам	Кутарма техника	Эҳтиётлаш
Токзор курки	Хунд адаби	Майда утин	Нав (русча)	Келин-ойи (шва)	Келин-ойи (шва)

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



Париж. Эйфел минораси

Газетанинг 26 август сонидан берилган сканворднинг жавоблари:

Энига: Тезлик, Мотобол, Адиб, Алёхин, Рашид, От, Ватт, Соат, Вофуруш, Онт, Охорлаш, Тутқун, Қарагай, Раҳбар, Фароди, Ромитан, Тан, Маза, Алам, Грамм, Одина, Одат, Ангар, Март, Гюго, Гилам, Исо, Бека, Болор, Ўзбекистон, Икра.

Бўйига: Шеробод, Битум, Зал, Зиёрат, Хаттот, Идиш, Новвот, До, Дол, Айтиш, Емиш, Трасса, Нуруний, Қарамон, Иш, Рангдор, Ар, Бола, Фа, Адир, Оқа, Фалсафа, Алгебра, Ахурамазда, Амир, Надомат, «Ўзбегим», Об, Қарим, Асо, Билол, Юк, Гагарин.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г. Частное предприятие «KALORAMA» раскрывает информацию о намерении приобрести 6556 штук акций простых именных ОАО «Мебель» г. Ташкент, что составляет 25% от уставного фонда.

Адрес эмитента: г. Ташкент, ул. Саади б.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси таҳририят ходими Комила Боймуродовага падари бузруквори

Суннат БОЙМУРОДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



✓ Сиз кутган учрашув

ли қабул қилинди. Қабул комиссияси ёш, иқтидорли рубобчи-созандани эшитиб, унинг маҳоратига қойил қолишди. Уни бир йўла Ўзбекистон Давлат телевидение ва радио кўмитаси қошидаги Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрига рубобчи-созанда сифатида ишга юборишди. Оркестр жамоаси билан бир йил давомида турли концертларда фаол иштирок этиб юрган созанданинг ижоди билан қизиқиб юрган Ўзбекистон халқ артисти Фанижон Тошматов уни

бирга Саида Зуннуованинг «Кўнглимдаги кўнгли топмадим», Бобур Бобомурод қаламига мансуб «Она», «Дема», «Зор этма», Туроб Тўла шеъри Фанижон Тошматов мусиқаси асосида «Совға», «Муҳаббат», «Орзуларим», «Зор бўласиз», «Меникисиз», «Ватан» сингари мумтоз ва эстрада кўшиқларини яратди. Мудофаа вазирлигининг ҳарбий оркестри тадбирларида «Азизим», «Билмайсиз» сингари кўшиқлари билан қатнашиб келди.

Зулҳуморхон мумтоз кўшиқларни маромига етказиб куйлаб келаётган хонанда. Айниқса, унинг ижросидаги «Мустаҳзод», «Тановар», «Фарғона тонг отпунча», «Эй, Сарвиравон» сингари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган мумтоз кўшиқларни то-

✓ Севги қаримас...

Саидани «енгдим»

— Ёшим саксонга яқинлашган бўлса ҳам, кампиримни севаман, дейди Саид бобо.

— Ёшлигимда анча безори бўлганман. Хурмача қилиқларим кўпчилиكنинг асабига тегарди. Айниқса, қизлар мени кўрди дегунча, йўлларини терс солишиб, ўтиб кетишарди. Кўчамизнинг бошида бир анҳор жўшиб оқар, саратон кунларининг бирида анҳор бўйида ўтириб мудраб кетибман. Шу пайт ёнгинамда биров, «воҳ» деб юборди. Кўрқанимдан анҳорга ағдарилиб тушдим. Биллурий жарангдор кулги ҳушимни олди. Не кўз билан кўрайки, сал нарида Саида масҳараомуз тиржайиб турарди.

— Бу нима қилганинг?
— Билганингиз, — деди у.

Энгил-бошим шалаббо, сувдан чиқиб қарасам, Саида аллақачон гойиб бўлганди. Шу-шу уни «ёмон кўриб» қолдим. Имкони бўлди дегунча, ўч олиш ниятим ҳам йўқ эмасди. Бироқ Саида ўзгарди. Мени кўрган заҳоти гўё тилдан қолар, ширмон юзлари янада қип-қизариб кетарди.

— Сени севиб қолганми, дейман, — деди бир жўрам.
— Йўғ-э?

Аммо гаплари сариеғдек ёқди. Уни кунда кўргим келаверарди. Мақтанчоқ деманг-у, вақтида сўзамол, гапга чечан йигит бўлганман. Кўпларни бир чўқишда қочирардим. Лекин Саидадангина мот бўлардим.

— Шу қизни, барибир бир сўз билан енгаман, — дедим бир куни ўртоқларимга.

— Кўрамизда, — дейишди, улар ишонқирамай.

Қизик устида валдираб кўйдиму, гапимнинг устидан қандай чиқишни билмай бошим гаранг. Буни қарангки, Яратганинг ўзи мушкулимни осон қилди. Кунларнинг бирида отам!
— Сен тенгилар уч-тўрт фарзандли бўлди. Қачон уйланасан? Кўнглимда биров бўлса айт, йўқса, биз ҳаракатимизни қилайлик, — деб қолди.

Уялганнамо кўчага чиқиб кетдим. Гапнинг сираси каминани ўй босганди. «Безорига турмушга чиқаман, деб кимнинг ҳам кўзи учиб турибди», — қабилидаги ўй кўнглимдан кечди. Ё, қудратингдан, Танграм! Шу пайт рўпарамдан ҳаловатимни ўғирлаган қиз Саида чиқиб қолса бўладими. Мени кўриб алланечук бўлди. Ўзим ҳам сезмаган ҳолда дабдурустан ундан:

— Саида, мисол учун сен менга тегармидинг?! — деб сўрадим.
У биров гангиб турди. Сўнг кўзларини тўлдириб шундай қардики, вужудим ўт бўлиб ёниб кетди.

— Ҳазиллашаётганинг йўқми?
— Рост айтяпман, ҳазил эмас.

Қиз майин жилмайди. Кейин астагина.

— Ҳа, — деб жавоб берди.

Айтганча, мен уни бир сўз билан енгдим, бироқ ўзим ҳам унинг асирига айландим. Орадан бутун бир умр ўтди. Ували-жували бўлиб, кўша қаридик. Аммо юрагимдаги ўт ўша-ўша. Бир гапириб, ўн куладиган Саидани бутун борлигим билан севаман. Унинг чакмоқдек хатти-ҳаракатлари, эрка қилиқлари ёқади. Кўнглимни тоғдек юксалтиради. Ёшим саксонга яқинлашди. Лекин ўзимни навқирон йигитлардек ҳис этяпман. Саида эса ёшлигимдагидек ҳали ҳам тароватли. Ўғил-қизларимиз, набираларимиз бизни кўриб суюнишади. Шунинг учун ҳам уйимиздан меҳр-оқибат, кут-барака, кулги аримайди. Инсон ҳаёт экан, демак унинг туйғулари-да ҳаётдир...

Саид бобонинг дил изҳорини Баҳриддин ҚУРБОНОВ қоғозга туширди

Ҳам рубобчи, ҳам хонанда

Санъатга бўлган ҳавас Зулҳуморхонга отасидан ўтган. Падари бузруквори Бердимўмин Аббаев урушдан қайтган, дастлаб Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида, кейинчалик Хўжанд вилоят театрида солист-вокалист, актёр сифатида фаолият кўрсатган.

Қизининг санъатга бўлган қизиқишини сезган ота-онаси уни Хўжанддаги Садирхон Ҳофиз номидаги мусиқа билим юртига рубоб мутахассислиги бўйича ўқишга беришди. Зулҳуморхон бу ерда рубоб мутахассислиги ўқитувчиси Кенжабой Норматовдан ушбу касбнинг сир-синоатларини ўрганди. Ўқиш баробарида билим юрти қошида очилган гуруҳда фаол қатнашиб, фольклор ва мумтоз кўшиқчилик санъатини ўрганди. Республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда «Дуторчи қизлар» ансамбли репертуаридан ўрин олган куй-кўшиқлари билан қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади.

Ёш рубобчи-хонанда Э. Аббаева профессионал билим олиш мақсадида Тошкент Давлат консерваториясига рубоб мутахассислиги бўйича ўқишга имтиёз-

«Дуторчи қизлар» ансамблига рубобчи-созанда сифатида ишга тақлиф этди. У устози Фанижон ака билан қатор янги фольклор ва мумтоз кўшиқларга куйлар басталаб, кўшиқ айтиш сирларини янада чуқур ўрганди. Устози унинг нимадандир ранжиганлигини сезиб қолса «Қани бери кел-чи, ўрис қизим» дея эркаларди. «Ишдаги ютуқ ва камчиликлар ўтиб кетадиган нарса, асосийси, биз янги-янги асарлар устида ишлашимиз, халққа манзур бўладиган кўшиқларни топиб, қайта тиклашимиз лозим» деб уни юпатарди.

Зулҳуморхон оддий созанда эмас, балки юқори профессионал даражадаги чолғучи бўлиб етишди. Консерваториянинг педагог-мутахассислари ҳам унинг маҳоратини тан олган ҳолда, ўқишини ярим йил олдин тугаллашига имкон беришди.

Уни яна Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрига ишга чақирди. Зулҳуморхон сеvimли оркестрида 15 йилдан кўпроқ давр мобайнида фаол хизмат қилиб келди. Шу вақт давомида эстрада йўналишида ҳам ўзини синаб кўрди. Таникли композитор Қахрамон Комилов билан

мошабин севиб тинглайди. У ҳамisha изланишда. Айтадиган кўшиқларига ўзи куй ҳам басталайди.

Зулҳуморхон дирижёрлик бобида ҳам иқтидорини синаб кўриш мақсадида, консерваториянинг ушбу мутахассислигига ўқишга кириб, таникли санъаткор Элдор Азимов кўлида таҳсил олди. Ҳозирги кунда уни мухлислари «Онажоним», «Дема», «Меникисиз», «Зор этма» кўшиқлари орқали яхши танишади.

Турмуш ўртоғи Қосимжон Отамирзаев ҳам Тошкент Давлат консерваториясининг дирижёрлик факультетини тугатиб, шу кунда Мудофаа вазирлиги қошидаги ҳарбий оркестрининг бадий раҳбарини лавозимига фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўғли Элёрбек, қизи Гулҳумор иқтисодиёт лицейида таҳсил олишмоқда.

Ўз овози, ўз йўналиши, ўз созига эга Зулҳуморхоннинг орзулари чексиз. Унинг шiori фақат олдинга интилиб яшаш. Нияти — келгусида ўз мухлисларига рангбаранг кўшиқлар тухфа этиб, уларга муносиб хизмат қилишдир.

Раҳимжон ОРИПОВ, «Ишонч» муҳбири

✓ Ҳикоя

Гиламнинг йўқолишига Наиманинг ўзи сабабчи бўлди. Ҳар ҳолда кўпчилик айбни унга қўйди. Бир куни Ортиқ ишдан келса хотини ўй кўтариш ҳаракатида.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Нима бўларди, кишининг ҳаракати-да. Палосу гиламларни чирк босиб кетибди. Болаларга ҳам тайинладим. Эртага уйда бўлишади. Шунча нарса ни тозалаш осонми?

Ортиқнинг кўнгли жойига тушди. Лекин кўзи дахлиздаги эскигина гиламга тушди-ю, оғринираб сўради:

— Уни тозаламайсанми?

Хотини бурнини жийирди.

— Онангиздан қолган гиламми? Сабил қолсин. Унинг ювиладиган сиёқи ҳам қолмаган-ку, илвираб турибди.

Бу гапни эшитиб, Ортиқнинг пешонаси эришди. Болалиги

шу гиламда ўтган. Ҳар сафар уни кўрганда ўтиб кетган ота-онаси-ю, ёшлик вақтлари ёдига тушади. Шуларни эслаб, хотинига тўнғиллади.

— Нима, кўлинг кира тилайдими? Буям ахир битта буюм-ку, — дея қолларини чимирди.

Эрининг жаҳли чиққанини сезган Наима юмшади.

— Ювсам-ювибман-да, дадаси. Шунгаям ота гўри, қозихонами?

Эртаси куни «Хонникига ҳашар» бўлиб кетди. Болалар ювилган гиламларни пешмапеш сўриларга осиб туришди. Охирида эски гиламга гал келди. Унинг ранги ўнгиб, анчагина путурдан кетганди.

Ювиб бўлишгач, Наима:

— Уни кўчадаги сўрига осақолинглар, — деди ўғилларига.

Ортиқнинг энсаси қотди.

Шунча нарса сиққан ҳовлида шу гиламчага жой топилмай қолди-ми?

У хотинига:

— Нима қилсаларинг, қилларинг, — дегандек қўл силтади-да, нари кетди. Унинг бу қилиғи хотинига ёқинқирамади.

Эски гилам

— Кимни ҳам кўзи учиб турувди шу алмисоқдан қолган матоҳга. Бировга берсанг, текинга ҳам олмайди, — деб қўйди.

Ўғиллари гиламни кўчадаги сўрига чиқариб осишди.

Барча хангома эртасига бошланди. Ортиқ не кўз билан кўрсинки, гилам жойида йўқ эди. Юраги орқасига тортиб кетди. Кириб хотинига воқеани айтди. Наима тилини тишлади.

Ахир нима қилса ҳам ёдгорлик

эди.

Шу воқеадан сўнг Ортиқ тўмтайиб олди. Хотини билан кам гаплашар, болалари эса бу ҳолни тушунолмай ҳайрон.

Орадан бир қанча вақт ўтиб у хотини билан бозорга тушди. Расталарни айланишаркан, Наиманинг кўзи ёймачилар олдидаги гиламга тушди. У эрининг тирсагидан ушлаб, ўша томон имлади. Ҳеч нарса ни тушунмаган Ортиқ хотинига талмовсираб қаради.

— Бизни гилам-ку, яхшилаб қаранг, — деди Наима. Ортиқ кўзи шокосасидан чиқиб кетгудек бўлиб ўша томон югурди. Олдинма-кейин этиб борган Наима ҳам гиламни ўнгу терисига қарай кетди. Йўқолган гиламнинг худди ўзи.

— Ўғри... қаердан олдинг, — деб Ортиқ сотувчининг ёқасига ёпишди. Гавдаликкина йигит

унинг кўлини осонлик билан бўйнидан бўшатар экан, елкасини қисганча:

— Оғзингизга қараб гапиринг, акажон. Мен қанақасига ўғри бўлай. Бозорда тирикчилик қиламан холос. Гиламни ўтган куни бир пиёнистандан сотиб олгандим. Шуни деб ёқалаш шартми? — дея бандланди.

Бироз ўзига келган Ортиқ жон ҳолатда чўнтагидан бор пулини олиб, йигитга тутди. Энди додираш навбати унга ўтди.

— Тавба... Битта эски гиламга шунча пул-а, — ўйлади у. — Бунга бироз қўшса, бозорнинг энг олди, янги гиламини беради-ку.

Ажабланиб Ортиққа тикилди. У ҳаш-паш дегунча гиламни қўлтиқлаб, йўлга тушганди. Эрининг ҳолатини ич-ичидан ҳис қилган Наима ҳам ўзида йўқ қувониб, эрининг орқасидан югурди.

Нёъмат РАФИКОВ

<p>Ishonch</p> <p>МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси</p>	<p>Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ</p>	<p>Бизга кўнгирак қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43</p>	<p>Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134</p>	<p>Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.</p>	<p>Набатчи котиб - Ж.Шарофбоев Набатчи муҳаррир - Н.Рафиқов Набатчи - Р.Сулоров Мусаҳҳих - Н.Юлдашев</p>
	<p>Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ҳубов, Ғуломзокир Юсупов</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Таҳририятга келган кўлёмза ва суратлар ағаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.</p>	<p>Буюртма Г-1115 Тиражи: 7627</p> <p>Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 16.00</p> <p>Сотузда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8</p>